

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил май ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.Рахманов, судья ёрдамчиси Х.Ризақуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Нурота тумани прокурорининг ёрдамчиси Б.Худойбердиев, судланувчи И.Нажмиддинов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Мерганованинг иштирокида, Нажмиддинов Илҳом Курбоновичга нисбатан бўлган № 1-2107-2301/32-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи:

Нажмиддинов Илҳом Курбонович (Najmiddinov Ilhom Kurbonovich) - 1988 йил 16 декабрь куни Нурота туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, бўйдоқ, судланмаган, Нурота тумани “Истиқбол” МФЙ Гулистон кўчаси 54-уйда рўйхатда туриб, Нурота тумани “Мустақиллик” МФЙ Темирчилар кўчасида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “шахсий кафиллик” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 20 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбонович интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номли профиль очиб, ушбу профилдан диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш мақсадида 01.03.2020 йилда номаълум шахсга тегишли бўлган “8-уми март дар ислом чоиз аст ё не” номли файлда 8 март кунида совға бериш мумкин эмаслиги куфр иш бўлиши, бу кунда аёллар ҳижобдан озод бўлган кун ҳисобланиши, аёлларнинг кофир бўлгани, ҳижобга қарши чиқишнинг ҳукми куфр экани, бу Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўгириш ҳисобланиши, бу кунда табриклар ҳам бўлмаслиги, ҳадея ҳам бериб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлар билдирилган давомийлиги 05-22 дақиқалик видео маърузага шунингдек фикр, маъруза ва фатволари юртимизда анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳаби ва мотрудийлик ақидасига зид бўлгани, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишга сабаб бўлаётгани боис, Ўзбекистон Республикасига олиб



кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланган Абдуллох Зуфарнинг видео маърузаларига “Класс” муносабат белгиси босиб Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ўзининг 212 нафар виртуал дўстларига тарқатганлиги аниқланиб, И.Нажмиддиновга тегишли бўлган “ОППО РЕНО 5ЛИТЕ” русумли қўл телефони 2022 йил 29 ноябрь куни далилий ашё тариқасида олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 18.01.2023 йилдаги ИС-043-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосасига мувофиқ, И.К.Нажмиддинов томонидан, “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номли профиль орқали Интернет жаҳон ахборотининг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида фойдаланиб ўзининг 212 нафар виртуал дўстларига тарқатиб келган номаълум шахсга тегишли бўлган “8-уми март дар ислом чоиз аст ё не” номли файлда 8 март кунида совға бериш мумкин эмаслиги куфр иш бўлиши, бу кунда аёллар ҳижобдан озод бўлган кун ҳисобланиши, аёлларнинг кофир бўлгани, ҳижобга қарши чиқишнинг ҳукми куфр экани, бу Аллоҳнинг ҳукмидан юз ўгириш ҳисобланиши, бу кунда табриклар ҳам бўлмаслиги, ҳадя ҳам бериб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлар билдирилган давомийлиги 05-22 дақиқалик видео маъруза диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги, юқорида қайд этилган материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги аниқланган.

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбонович суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у Ислом динига оддий фуқаролар сингари амал қилиб келишини, 2012 йил май ойида ишлаш мақсадида Москва шаҳрига кетганлиги, шу йили ўзи фойдаланиши учун +7963-660-06-14 рақамини олиб шу рақамни ишлата бошлаганлиги, шу вақтда у яшаган ётоқхонада яшовчи бир жўғи бола унинг +7963-660-06-14 рақамига ОК.Ру сайтида “Илҳом” номли профиль очиб берганлиги, ушбу профилини логини ва парolini эслаб қолиб ҳозирги кунга қадар ушбу профилдан фойдаланиб келишини, ушбу профилини номини тахминан 2014 йилда “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРОТА” деб ўзгартирганлигини, ушбу профилидан фақатгина ўзи фойдаланиб келганлигини, ушбу профилидан бирор кишига фойдаланиш учун бермаганлиги, Одноклассникидаги ИЛҲОМ ТОЖИК НУРОТА номли профилини очишдан мақсад ўзининг дўстлари билан гаплашиб туриш бўлганлиги, у ўзининг профили орқали асосан Тожикистонлик Эшон Ҳожи Мирзо, эшон Нуриддин ҳожи ва бошқа шахсларнинг ҳам диний мазмундаги видеоларини эшитиб “класс” белгисини босганлиги, у класс босган диний мазмундаги маърузаларни айримларига тушуниб, айримларига ўзи тушунмаса ҳам класс белгисини босганлиги, класс белгисини босганда ўзининг виртуал дўстларига тарқалишини билишини, профилидаги лентага келган видеоларга ва бошқа маърузаларга класс белгисини босганлиги, унинг профилидан ундан бошқа ҳеч ким фойдаланмаслиги, 2022 йил 29 ноябрь куни Нурота тумани ИИБ ходимлари ИИБ биносига қабат қилиш мақсадида чақиртиришганлиги, у ерга борганида ИИБ ходимлари унга 2022 йил 29 ноябрь кунидаги Нурота тумани Прокурори ва



ИИБ бошлиғи томонидан рухсат берилган санкция билан таништирганлиги, сўнг ИИБ биносидаги ТҚКГ хизмат хонасида унга тегишли бўлган оч қора рангли, орқа томонида “ОППО” ёзуви бўлган “ОППО Рено 5 лите” русумли телефон аппарати ички хотираси, жаҳон интернет тармоғининг “Одноклассники.ру” тармоғи +7963-660-06-14 абонент рақамига очиб, ҳозирги кунда 94-487-00-05 рақами орқали фойдаланиб келаётган “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номли профилини унинг бевосита ўзи ҳамда холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечирилганлигини, кўздан кечириш давомида унинг жаҳон интернет тармоғининг “Одноклассники.ру” тармоғидаги профилига кирилганда, ушбу профилида 212 дўстлари, 28 та қайдлари, 92 та расмлари жойланганлиги ва 51 та гуруҳларга аъзо эканлиги, шунингдек, ушбу профилининг “Видео” бўлимидаги “Классные” папкаси кўздан кечирилганда, ушбу папкада 2014 йил январь ойларида класс босилган Қори Зубайдулло ва Салмони рус номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2020 апрель куни класс босилган Шайх Абу Убайдуллоҳга тегишли бўлган “Суфиҳои мотуруди гуш кунед” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2020 йил 1 март куни класс босилган “8-уми март дар ислом чоиз аст ё не” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил 10 апрель куни класс босилган Абдуллоҳ Зуфарга тегишли бўлган “Аллоҳнинг амрларига итоат” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил апрелда класс босилган “Мирская жизнь - ДУНЯ” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил июлда класс босилган Абу Убайдуллоҳга тегишли бўлган “Дар боби бедоршавии Уммати мусулмон аз хоби гафлат” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил 31 март куни класс босилган Абдуллоҳ Зуфарга тегишли бўлган “Ҳаммани аллоҳ чақирган кун” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил 28 март куни класс босилган “Ҳукми ҳаром будани Рақс кардан дар Ислом!!...” номли бўлган диний мазмундаги видео маъруза, 2019 йил 26 март куни класс босилган “Проснитес о мусулмане” номли бўлган диний мазмундаги видео маърузаларга класс белгисини босганлиги ва профилидаги виртуаль дўстларига тарқатганлигини аниқлашганлиги, шу сабабли унга тегишли бўлган телефон аппарати, жаҳон интернет ижтимоий тармоғидаги “Одноклассники.ру” мессенджеридagi “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номли профилидан класс босилган диний мазмундаги видеоматериаллар текшириб кўриш мақсадида дискка нусха кўчириб олинганлигини, конвертга солиниб холислар иштирокида имзоланиб, муҳрланганлигини, у класс босган диний мазмундаги маърузалар виртуаль дўстларига тарқалишини билмаганлигини класс белгисини бирор бир мақсадсиз шунчаки босганлиги, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолат иккинчи бор такрорланмаслигини, у класс белгисини босиш жиноят эканлигини билмаганлигини, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Нуриддинов Муҳиддин Салоҳиддинович суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 28 январь куни унга Нурота туман ИИБ ходимлари кўнғироқ қилиб Нурота туман ИИБ биносига келиши лозимлигини айтишганлиги, уни вақти бўлганлиги сабабли ИИБ биносига борганлиги,



ундан И.Нажмиддинов тўғрисида сўрашганлиги, у уларга И.Нажмиддиновни бир маҳалладан бўлгани учун танишини айтганлиги, кейин ИИБ ходимлари ундан интернет ижтимоий тармоғининг қайси сайтларидан фойдаланишини сўрашганлиги, у уларга интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Одноклассники.ру”, “телеграмм” ҳамда “ВатСап” тармоқларидан фойдаланиб келишини айтганлиги, ИИБ ходимлари ундан “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғини қайси профиль орқали бошқаришини сўрашганида у уларга “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида “Мухиддин Салоҳиддинович” номли профиль очиб ишлатиб келаётганини тушунтирганлиги, ИИБ ходимлари унга ўзларининг қўл телефонларидан “Одноклассники.ру” интернет тармоғини очиб берганларидан сўнг у “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида ўзини профилига кириб профилини виртуал дўстлари рўйхатида И.Нажмиддиновнинг “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” деб сақланган профили мавжудлигини кўрсатганлигини, танишим И.Нажмиддинов уни ўзига бирор бир хабар ёки материал “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан фойдаланиб жўнатмаганлигини, лекин у томонидан диний маърузаларга класс унга ёқди тугмасини босганидан сўнг уни виртуал дўстларининг шу қаторда унинг ҳам лентасида диний маърузалар кўринганлигини, ИИБ ходимларига ҳам профилини лента папкаси ичини кўрсатган вақтида И.Нажмиддинов бир қанча диний маърузаларга класс белгисини босганлиги учун унда кўринганлигини кўрсатганлигини, у ушбу диний мазмундаги материалларни кўриб ёки эшитмасдан “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғи лентасини ўтказиб юборганлигини, шу сабабли И.Нажмиддиновни айнан қайси диний маърузаларга класс белгисини босганлигини билмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Бобоев Алишер Рўзиқулович суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 28 январь куни унга Нурота туман ИИБ ходимлари қўнғироқ қилиб Нурота туман ИИБ биносига келиши лозимлигини айтишганида ИИБ биносига борганлигини, у ерда уни ИИБ ходимлари кутиб олишиб ўзларининг хизмат хоналарига олиб кирганлигини, ундан И.Нажмиддинов тўғрисида сўрашганлигини, у уларга И.Нажмиддиновни бир маҳалладан бўлгани учун танишлигини айтганлигини, шундан кейин ИИБ ходимлари ундан интернет ижтимоий тармоғининг қайси сайтларидан фойдаланишини сўрашганида “Одноклассники.ру”, “телеграмм” ҳамда “ВатСап” тармоқларидан фойдаланиб келишини айтганлигини, ИИБ ходимлари ундан “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғини қайси профил орқали бошқаришини сўрашганлигини, у уларга 79-80-344-10-05 рақамига “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида “Алишер Бобоев” номли профиль очиб ишлатиб келаётганини тушунтирганлигини, ИИБ ходимлари ўзларининг қўл телефонларидан “Одноклассники.ру” интернет тармоғини очиб берганларидан сўнг у “Одноклассники.ру”даги ўз профилига кириб профилини виртуал дўстлари рўйхатида И.Нажмиддиновнинг “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” деб сақланган профили мавжудлигини кўрсатганлигини, И.Нажмиддинов уни ўзига бирор бир хабар ёки материал “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан фойдаланиб жўнатмаганлиги



аммо у томонидан диний маърузаларга класс унга ёқди тугмасини босганидан сўнг уни виртуал дўстларининг шу қаторида унинг лентасида диний маърузалар кўринганлигини, ИИБ ходимларига ҳам профилини лента папкаси ичини кўрсатган вақтида И.Нажмиддинов бир қанча диний маърузаларга класс белгисини босганлиги учун унда кўринганлигини кўрсатганлигини, у ижтимоий тармоғи лентасини ўтказиб юборганлиги сабабли айнан қайси диний маърузаларга класс белгисини босганлигини билмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Юсупов Фирдавс Абдулатифович суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у 2022 йил ноябрь ойларида ўз ишлари билан Нурота туман ИИБ олдидан ўтиб кетаётган вақтида уни ўзини ИИБ ходими деб таништирган фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходими бир ишда холис сифатида қатнашиб беришини сўраганида у рози бўлганлигини ва у Нурота туман ИИБ биносининг хизмат хонасига кирганлигини, ИИБнинг Терроризмга қарши кураш гуруҳи хизмат хонасида ИИБ ходимлари ўзини Нурота туман “Истиқбол” МФЙда яшовчи деб таништирган И.Нажмиддиновга тегишли бўлган қўл телефонини ва интернет тармоғидаги профилларини текшириш бўйича санкция билан таништириб, унга “ОППО РЕНО 5 Лите” русумли қўл телефон аппаратини кўздан кечиришларини бу учун мутахассис ва икки нафар холис чақиришганларини билдиришганлигини ҳамда уларга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлиги, сўнг И.Нажмиддиновга тегишли бўлган “ОППО РЕНО 5 Лите” русумли қўл телефон аппарати ҳамда унинг интернет тармоғидаги профиллари кўздан кечирила бошланганлигини, кўздан кечириш жараёнида И.Нажмиддинов “Одноклассники.ру” сайтини очиб, телефон рақами орқали фойдаланиб келаётганлигини, И.Нажмиддинов интернетнинг “Одноклассники.ру” сайтида “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номи билан рўйхатдан ўтганлиги аниқланганлигини, шунингдек И.Нажмиддинов интернетнинг “Одноклассники.ру” сайтидан “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номи профиль орқали бир нечта Шайх абу Убайдуллоҳ ва Абдуллоҳ Зуфарларнинг диний мазмундаги маърузаларига класс “менга ёқди” белгисини босиб ўзининг 212 нафар виртуал дўстларига тарқатганлиги ҳолатлари аниқланганлиги, кўздан кечириш жараёни баённомага ёзилганлигини, кўздан кечириш жараёнлари видео камерада тасвирга олинган бўлиб барча ҳаракатлари баённомага киритилганлигини, сўнг баённомалар холислар тарафидан ўқиб имзоланганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи И.Нажмиддиновнинг жиноят содир этганликда айби, унинг ўзининг ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, И.Нажмиддиновни қўл телефон аппарати ҳамда интернет тармоғидаги профилларини кўздан кечириш баённомаси, 18.01.2023 йилдаги IS-043-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосаси, тинтув ўтказиш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Нажмиддиновнинг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид



соладиган диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Нажмиддиновнинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Нажмиддиновга нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларининг мажмуини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги ҳулосага келиб, юқорида кўрсатилган ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд И.Нажмиддиновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг келгусида яна қасддан жиноят содир этишининг олдини олиш, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида, озодликни чеклаш давомида оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик; Навоий вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик; Интернетдан фойдаланмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган И.Нажмиддиновнинг “ОППО Рено 5 лите” русумли қўл телефонини йўқ олишни белгилашни, И.Нажмиддиновнинг профилини кўздан кечириш



жараёни акс эттирилган ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга суд, Нажмиддинов Илҳом Курбоновичнинг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидаги “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” номли профилини ва бошқа ижтимоий тармоқ профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисмини ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига юборишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Нажмиддинов Илҳом Курбонович** (Najmiddinov Ilhom Kurbonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбоновични яшаш жойи, яъни Нурота тумани “Мустақиллик” МФЙ Темирчилар кўчасидаги уйдан кечқурун соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

-уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Навоий вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-Интернетдан фойдаланмаслик каби қўшимча таъқиқлар юклансин.

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбоновични хулқи устидан назорат олиб бориш Нурота тумани ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Нажмиддинов Илҳом Курбоновичга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган И.Нажмиддиновнинг “ОППО РЕНО 5 ЛИТЕ” русумли қўл телефони йўқ қилинсин, И.Нажмиддинов профилини кўздан кечириш жараёни акс эттирилган, профилида аниқланган маълумотлар ёзиб олинган ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Нажмиддинов Илҳом Курбоновичнинг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида “ИЛҲОМ ТОЖИК НУРАТО” ижтимоий тармоқ профили ва бошқа ижтимоий тармоқ профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисми ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига юборилсин.



Хукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд хукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан хукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Рахманов

